

# Хайрия акцияси фотохисоботи «КУЧ - БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА!»

2014 йил 1-дан -10 - декабргача “Daewoo Textile Fergana” корхонаси уччала фабрикасида «КУЧ – БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА!» шиори остида хайрия акцияси ўтказилди. Ундан мақсад Тошлоқ тумани № 7 мактаб учун хомийлик ёрдами кўрсатиш бўлди.



№ 7 мактаб Тошлоқ йигирув фабрикасидан унча узок бўлмаган худудда жойлашган. Мактаб ўқувчиларининг 80 фоизи корхона ходимларининг фарзандлари ҳисобланади.

Корхонамизнинг кўплаб ишчилари, ҳамда раҳбарият ходимлари ҳам акцияда кўнгилли сифатида иштирок этишди. Китоблар, ўқув карточкалари, болажонлар учун ўйинчоқлар йиғилди.

Тўпланган жами маблағ – 1 507 800 сўмга қуйидагилар сотиб олинди: UPS (узлуқиз ишловчи қурилма), 2 та доска «White board», ўқув қуроллари, мактаб жихозлари ва болалар учун совғалар.



Корхона томонидан мактабнинг 2 та инглиз тили хонаси қайтадан жихозлаб берилди.

АВВАЛ



ХОЗИР



Хоналар учун қуйидагилар сотиб олинди: янги парталар, проектор, компьютер, жалюзи, гиламлар 2 дона, ўқув плакатлари.

Ўқувчилар учун инглиз тили дарсликлари, шунингдек дафтар ва луғатлар.



«Daewoo Textile Fergana» ходимлари ва рахбарият – Корхона Президенти жаноб Ли Со Ил, директорлар Сон Вон Кенг ва Сонг Чан Джей, қолаверса Корея нодавлат ташкилоти «Friend Asia» дан ҳам вакил №7 мактабда бўлишди.



2014 – йил 11 – декабр хайрия акцияси муносабати билан Корхона ишчилари ва мактаб ўқувчилари иштирокида тадбир ҳам уюштирилди.



Президент Ли Со Ил синф хоналарни тантанали тарзда очиб берди.



«Daewoo Textile Fergana»  
корхонаси  
Режалаштириш бўлими  
ходимлари мактабнинг  
бошланғич синф ўқувчилари  
учун инглиз тили фанидан  
очиқ дарс ўтиб бердилар.



Мактаб  
рахбарияти ДТФ  
ходимларига ўз  
миннатдорчиликларини  
изхор этишди.



АКЦИЯДА ИШТИРОК  
ЭТГАН  
БАРЧА ХОДИМЛАРГА  
МИННАТДОРЧИЛИК  
БИЛДИРАМИЗ!

